

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРДИЕВ БОБИР РАХМАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА СТРАТИФИКАЦИОН ЖАРАЁНЛАР:
СОЦИАЛ ҲОЛАТ ВА ИСТИҚБОЛ**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по социологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the
Doctor of Philosophy (PhD) on Sociological Sciences**

Бердиев Бобир Рахматович

Ўзбекистонда стратификацион жараёнлар: социал ҳолат ва истиқбол ... 3

Бердиев Бобир Рахматович

Процессы стратификации в Узбекистане: социальное положение и
перспектива 29

Berdiev Bobir Rahmatovich

Stratification processes in Uzbekistan social situation and prospects... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 60

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРДИЕВ БОБИР РАХМАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА СТРАТИФИКАЦИОН ЖАРАЁНЛАР:
СОЦИАЛ ҲОЛАТ ВА ИСТИҚБОЛ**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Sots16 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (info@dba.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Холбеков Абдуғани Жуманазарович
социология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Умаров Абдусалом Одилович
социология фанлари доктори, профессор

Норбеков Анвар Шомуродович
социология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги илмий даражалар берувчи DSc.20/30.12.2019.S.23.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «10» 02 соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0 (371) 232-60-47, факс: 0 (371) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси маъмурий биноси, 11-қават, 1108-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0 (371) 232-60-47, факс: 0 (371) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси маъмурий биноси, 11-қават, 1108-хона).

Диссертация автореферати 2021 йил «10» 02 куни тарқатилди.

(2021 йил «09» 02 даги 3- рақамли реестр баённомаси).



М.Б. Бекмуродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, социология фанлари доктори, профессор

Б.Ш. Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, соц.ф.н., доцент.

Ш.М. Содиқова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, социология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида ижтимоий фанлар, хусусан, социология фани доирасида социал стратификация, яъни жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан табақаланишига оид илмий назариялар XX асрда шаклланди. Бугунга келиб, социологиянинг муҳим фундаментал муаммосига айланган мазкур соҳа жамиятдаги мураккаб ижтимоий табақаланиш жараёнлари, шунингдек, аҳоли социал таркибининг динамикаси қонуниятлари ва механизмларини конкрет социологик материаллар асосида комплекс ўрганишни талаб этади.

Жаҳонда жамиятнинг ижтимоий табақалашуви борасида олиб борилган тадқиқотларда, жумладан, ҳозирги шароитда социал стратификация омилларининг глобал ҳолати (Centre of scientific investigation of Central Asia, Institute for the study of Religion (АҚШ)), турли ижтимоий табақа ва тоифаларнинг стратификация жараёнларидаги мавқеи ва уларнинг социал мобиллик даражасига таъсири (German Institute for International and Security Affairs, German Council on Foreign Relations (Германия), социомаданий омилларнинг ўрта синф шаклланишидаги аҳамияти (Institute of International Policy Studies, Japan Institute of International Affairs (Япония)) очиб берилган. Шунингдек, тадбиркорлик ва инновацияларнинг ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, хусусан, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли ҳаёт даражасини оширишдаги ўрни (Azia International Art Festival Association, Seoul of National University (Жанубий Корея) каби жамият ҳаётининг ижтимоий муҳим муаммолари тадқиқ этилиб, илмий асосланган.

Мамлакатимиздаги стратификацион жараёнларнинг ўзига хослиги, янги қонуният ва тенденциялари, турли страталар ўртасидаги муносабатларни оптималлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Худудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда»¹. Янгиланаётган Ўзбекистоннинг социал ривожланиши йўналишларидаги стратификация жараёнларининг социал ҳолатини аниқлаш, шунингдек, ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг маънавий-руҳий дунёси, ижтимоий кайфияти, стратификацион жараёнларнинг таркиби, трансформация тенденцияларини ҳисобга олиб, зарур имкониятларни яратишга кўмаклашадиган комплекс ижтимоий тизимни янада такомиллаштириш борасида илмий изланишларни амалга ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. / <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 22 февралдаги ПФ-5667-сон «Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Стратификацион ёндашувнинг классик намунасини Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида кўрамиз². Абу Райҳон Беруний дунё халқларининг беш минг йиллик тарихини сулолавий ёндашув асосида таснифлайди. Ижтимоий жамоалар таснифи Алишер Навоийнинг «Маҳбуб-ул Қулуб»,³ «Мажолис ун-нафоис»⁴ ва бошқа асарларида келтирилади. Хусусан, улуғ шоир ва мутафаккирнинг «Насойимул – муҳаббат» асарида 770 та авлиё шахсларнинг хислатлари тавсифлари келтирилади. Бу каби бебаҳо асарларда таърифланган ижтимоий жараёнларнинг мазмун-моҳияти Шарқ стратификацион ёндашуви намунаси ҳисобланади. Шунингдек, жамоалар, шахслар, соҳалар таснифини Наршахийнинг «Бухоро тарихи»⁵ ва бошқа кўплаб ижтимоий ва тарихий мазмундаги манбаларда кўрамиз.

Социал стратификация концепцияси ривожига хорижлик олимлардан: М.Вебер, П.Сорокин, Т.Парсонс, Д.Белл, Р.Бендикс, С.Липсет, Р.Мертон, Г.Зиммель, А.Гидденс ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар. МДХ давлатлари олимларидан: М.Руткевич, З.Голенкова, Т.Заславская, О.Радаев, О.Шкаратан, В.Ядов⁶ ва бошқа жамиятшунос олимлар асарларида социал структуранинг кўплаб масалалари таҳлил қилинди. Уларнинг тадқиқотларида жамиятнинг трансформацияси жараёнида ижтимоий табақаланиш қай даражада ўзгаришини аниқлаш учун Е.Игитханян, З.Голенкова, Т.Заславская, А.Балабанов, К.Римашевская, Т.Богомолова, В.Тапилина, Н.Тихонова,

² Беруний А.Р. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т.: ФАН, 1968.

³ Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 14-жилд. Маҳбуб-ул Қулуб. Муншаот. Вақфия. – Т.: ФАН, 1998. – Б. 240.

⁴ Навоий А. Мажолис ун-нафоис. 13-жилд. – Т.: Фан, 1997. – Б. 174.

⁵ Narshaxiy M. Buxoro tarixi. 13-jild. – T.: Kamalak. 1991. – B. 95.

⁶ Вебер М. Избранное. Образ общества. – М., 1994; Основные понятия стратификации// Социол. исслед. 1994. – №5. – С. 147-156; Сословия и классы// Вестник МГУ. Серия 18. Социология и политология. 2003. – №4. – С. 141-148, Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество. – М., 1992, прежде всего, значимостью и престижностью функций, выполняемых в обществе., Конт О. Дух позитивной философии. -СПБ, 1910; Дюркгейм Э. О разделение общественного труда. – М., 1991, Наука; Маркс К. Капитал. – М., 1965, Т. 5; Прогресс; Парсонс Т. Теоретическая социология и ее проблемы сегодня. – М., 1965; Мертон Р. Социальная структура и аномия //Социология преступности (Современные буржуазные теории) – М., 1966. Перевод с французского Е.А. Самарской. Редактор перевода М.Н. Грецкий. Издательство «Прогресс».– С. 299-313; Crozier' M. Le phenomene bureaucratique. Paris: Edition du Seuil, 1963; Файоль, А. Общее и промышленное управление [Текст] / А. Файоль; пер. Б. В. Бабина-Кореня с предисл. А.К.Гастева. – М.: Центральный институт труда, 1923; ATheoryof Human Motivation, by AbrahamH. Maslow, 2013. Martiono Fine Books.

И.Шопова, Е.Стариков⁷ раҳбарлигида эмпирик тадқиқотлар ўтказилганлиги кузатилади. Шунингдек, социал стратификация соҳасидаги тадқиқотларда меҳнат бозори ва бандлик масалалари, кўчмас мулкнинг табақаланиши, истеъмол ориентациялари ҳамда турмуш тарзидаги тафовутлар, этник ва гендер табақаланиш, давлат ижтимоий сиёсатининг страталаштирувчи роли каби муаммолар таҳлил этилган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда жамият ҳаётининг ижтимоий соҳаси тубдан ўзгармоқда, хусусан, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, камбағалликни ижтимоий воқелик сифатида бартараф этиш, янги иш ўринларини кўплаб яратиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Шу маънода М.Бекмуродов, Н.Алиқориев, А.Холбеков, А.Умаров, Р.Убайдуллаева, Т.Матибаев, Ш.Содиқова, О.Абдуазимов, К.Каланов⁸ каби олимларнинг стратификацион жараёнларга оид тадқиқотларини кузатиш мумкин.

Мамлакатимизда стратификацион жараёнларга бағишланган кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, аммо уларда ҳозирги жамиятимиздаги стратификацион жараёнларнинг ўзига хослиги, янги қонуният ва тенденциялари, бош ислохотчи бўлган давлатнинг турли ижтимоий қатламлар ўртасида ҳамкорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари махсус ўрганилмаган. Шу боис, бизнинг тадқиқотимиз жамиятимиздаги стратификацион жараёнларнинг социологик таҳлиliga бағишланди.

Диссертация мавзусининг олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган «Олий ва ўрта махсус таълим тизимини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва прогнозлаштиришнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш ва комплекс дастурини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда стратификацион жараёнларнинг мавжуд ҳолати, унга таъсир этувчи социомаданий омилларнинг (тафаккур

⁷ Ильин В.И. Социальная стратификация: история и современность Тез. всеросс. конф. (10-13 сент. 1996 г.) Сыктывкар: СГУ, 1996; Радаев В. В. Социальная стратификация. – М.: Аспект-пресс, 1996; Рывкина Р.В. Формирование новых экономических классов // Социологический журнал. 1994. – № 4. – С. 36-47; Тихонова Н.Е. Факторы социальной стратификации в условиях перехода к рыночной экономике. – М.: «Российская политическая энциклопедия» (РОССПЭН). 1999. – 320 с; Социальная стратификация российского общества / Под ред. Голенковой З.Т. – М.: «Летний сад» Институт социологии РАН, 2003, – 366 с; Россия – новая социальная реальность: Богатые. Бедные. Средний класс. / РАН. Комплекс. Социал. Исслед; Под ред. Горшкова М.К, Тихоновой Н.Е., – М.: Наука, 2004. – 259 с.

⁸ Бекмуродов М.Б. Замонавий бошқарув социологияси. Монография. – Т.: YOSHLAR NASHRIYOT UYI, 2020; Холбеков А.Ж., Матибоев Т.Б. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – 187 б.; Умаров А.О. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. / дис... социология фан.д-ри. –Т.: ЎЗМУ, 2005 й.; Каланов К.К. Марказий Осиё худудидаги ижтимоий-диний табақалар (диний-экологик ва социоантропологик таҳлил). – Т.: 2006 й.-92 б.; Содиқова Ш.М. Ўзгаришлар социологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Akademiya, 2019 й.; Ш.Мадаева. Идентликлик антропологияси. – Т.: Noshir, 2015.– 176 б; Убайдуллаева Р.А., Атамирзаев А.Б. Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий кифа. – Т.: Ижтимоий фикр, ЎЗР ФА Иқтисод институти, 2008. – 130 б.; Холбеков.А.Ж. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг социологик таълимоти. – Т.: Университет, 1996; Ганиева М.Х., Общественное мнение как фактор развития межнациональных отношений в Узбекистане/ дис. д-ра социол.наук. – Т.: ЎЗМУ, 2010.

тарзи, ҳаёт даражаси, урбанизация жараёнларининг кучайиши, шаҳар ҳаётига мослашиш ва б.) ўзига хос хусусиятларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазибалари:

стратификацион жараёнларнинг тарихий генезиси, тушунчалари ва моҳиятини тадқиқ этиш;

ижтимоий стратификацияни тизим сифатида тадқиқ этиш ва мазкур жараён динамикасини таҳлил қилиш;

стратификацион жараёнларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини очиб бериш;

жамиятда ижтимоий қатламларнинг таркиби ва мазмунининг социал мақбул ёхуд номақбул динамикасини ташхислашга доир илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

стратификацион жараёнлар ижтимоий ҳолатининг сиёсий, иқтисодий ва социал ўрнини белгиловчи омилларини таснифлаш;

стратификацион жараёнларни прогнозлаш, мониторинг қилиш ва тартибга солишнинг замонавий услубларини илмий асослаш;

«Ўзбекистон жамияти ижтимоий соҳа вакиллари нигоҳида» эксперт сўрови натижалари таҳлили асосида стратификацион жараёнларнинг оқибатларини оптималлаштириш имкониятларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон жамиятидаги стратификацион ўзгаришлар жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети турли аҳоли қатламлари вакиллари ижтимоий ҳаётида юз бераётган ўзгаришларнинг объектив ҳамда субъектив омиллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда эксперт сўрови, квотали сўров, кузатув, ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

янгиланаётган Ўзбекистон жамияти ҳаётида юз бераётган кенг миқёсли социал жараёнларнинг статик ҳолатдан динамик ўзгаришларга трансформациясини таснифлаш орқали аҳоли табақалашувининг объектив жараён сифатидаги (турмуш даражасининг яхшиланиши, инсон капиталининг ортиши, тадбирколикнинг ижтимоий ҳаракатга айланиши) ва интегратив (жамоавий интилиш, яқдил ҳаракатланиш, авлодлараро ворисийлик) хусусиятлари намоён бўлиши феномени (воқелиги) асосланган;

социал стратификация жараёнларининг механизмларини ўзида акс эттирувчи «ижтимоий мавқе», «социал мобиллик», «ижтимоий табақаланиш» тушунчалари ва уларни ифодаловчи социал ҳодисаларни прогнозлаш орқали жамият ижтимоий структурасига позитив-функционал таъсирини оптималлаштириш учун аналитик база бўлиши исботланган;

ҳоқимият структуралари томонидан аҳолининг ижтимоий муаммоларини ижобий ҳал этиш орқали ижтимоий табақаланиш жараёнларини оптималлаштиришга таъсир кўрсатувчи омиллар (аҳоли реал даромадлари, сифатли таълим ва соғлиқни сақлаш тизимидан фойдаланиш, бандлик, иш ўринлари, касб нуфузи) аниқланган;

мамлакатимизда тадбиркорлар ва ишбилармонлар ўрта қатламини шакллантиришда фаол ижтимоий сиёсат йўналишлари ва омиллари: ҳуқуқий-иқтисодий (мулкнинг хилма-хиллиги, хусусий мулк дахлсизлиги), иқтисодий (бизнес инкубаторлар, коворкинг марказлар ташкил этиш), молиявий (имтиёзли солиқлар), социал (ҳудудларда кўплаб янги иш ўринларини яратиш) омиллари қиёсланиб, уларнинг кичик бизнес ва социал ташаббусларни жонлантиришдаги аҳамияти очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда намоён бўлади:

тадқиқот натижасида олинган хулоса ва тавсиялар ёрдамида турли жамиятлар, хусусан, мамлакатимиз ва жаҳоннинг турли этник қатламлар таркибидаги ўзгаришларни реал баҳолаш ва прогнозлаш механизмлари ишлаб чиқилган;

стратификацион жараёнлар динамикасининг ҳолатини аниқлашга қаратилган «Аҳоли табақаланишини социологик таҳлил этиш» йўналишида тадқиқот дастури, унинг натижалари асосида тавсиялар ишлаб чиқилган;

социологик тадқиқот натижалари асосида жамиятда ижтимоий қатламларнинг вужудга келиш ва шаклланиш жараёнларини мониторинг қилиб бориш зарурияти асослаб берилган;

ўрта синф қатламини шакллантириш, унинг базавий параметрларини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаоллигини юксалтиришга бағишланган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнат фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти қурилишида фуқароларнинг роли, ўрни ва ижтимоий фаоллигини оширишда жамоатчилик фикрининг ўрни кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, ўтказилган социологик сўровнома, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инсонлар ҳаётидаги ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ тарзда юз берадиган стратификацион жараёнларни пухта ҳисобга олиш орқали давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш ва жамият бошқарувида социомаданий ворисийликни таъминлашнинг назарий асослари ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти унинг тавсияларидан фуқаролар турмуш даражасининг ўзгариши асносида ижтимоий табақаланиш таркиби ва мазмунининг оптималлашуви, ижтимоий фаоллигини оширишга бағишланган тадбирлар ўтказишда қўлланиши билан белгиланади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти социология, ижтимоий фалсафа, демография, конфликтология, жамоатчилик фикри, оила ва маданият социологияси фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма, услубий тавсиялар

тайёрлаш ва улардан малака ошириш курсларида фойдаланиш мумкинлиги билан ҳам изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда ижтимоий стратификация жараёнларини тадқиқ қилиш асосида ишлаб чиқилган назарий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар асосида:

янгиланаётган Ўзбекистон жамияти ҳаётида юз бераётган кенг миқёсли социал жараёнларнинг статик ҳолатдан динамик ўзгаришларга трансформациясини таснифлаш орқали аҳоли табақалашувининг объектив жараён сифатидаги спецификаси, тенденциялари ва интегратив хусусиятларига оид таклифидан «Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг «2018-2020 йиллар давомида Ёшларга оид давлат сиёсати ва баркамол ривожланган авлодни шакллантириш» мавзусидаги социологик сўровноманинг модификациялаштирилган шаклини ишлаб чиқишда, 2018 йил 4 январдаги 3-сонли Буйруғига асосан фойдаланилган («Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2019 йил 03 июлдаги 01-16/273 ҳамда 2021 йил 7 январдаги 01-16/05-сонли маълумотномалари). Натижада, бу жамият ҳаётидаги динамик ўзгаришларга юз тутаётган ижтимоий табақалашув жараёнларига оид назарий ёндашувларни коррекциялашда хизмат қилди;

социал стратификация жараёнлари механизмларини ўзида акс эттирувчи «ижтимоий мавқе», «социал мобиллик», «ижтимоий табақаланиш» тушунчалари ва уларни ифодаловчи социал ҳодисаларни прогнозлаш орқали жамият ижтимоий структурасига позитив-функционал таъсирини оптималлаштириш учун аналитик база бўлиши таклифидан «Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг «Ижтимоий тараққиёт ва таълим жараёни» мавзусида ўтказилган социологик сўровда 2018 йил 5 январдаги 4-сонли Буйруғига асосан «Ўзбекистонда стратификацион жараёнларнинг социал ҳолати ва истиқболлари»га оид анкетаси Марказ фаолиятига жорий қилинди («Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2019 йил 03 июлдаги 01-16/273 ҳамда 2021 йил 7 январдаги 01-16/05-сонли маълумотномаси). Натижада, бу жамиятда аҳолининг, шу жумладан, ёшларнинг бандлик, урбанизация ва таълим соҳасидаги ижтимоий мобиллиги, ижтимоий қатламлар ва ижтимоий табақалашувининг замонавий компонентларини таҳлил этиш имконини берди;

ҳоқимият структуралари томонидан аҳолининг ижтимоий муаммоларини ижобий ҳал этиш орқали ижтимоий табақаланиш жараёнларини оптималлаштиришга таъсир кўрсатувчи омиллар (аҳоли реал даромадлари, сифатли таълим ва соғлиқни сақлаш тизимидан фойдаланиш, бандлик, иш ўринлари, касб нуфузи) аниқланганлиги борасидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3856-сонли Қарорининг 4-бандини тўлдиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва Меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 12 июлдаги 01/00-04/08-5193-сонли

маълумотномаси). Бу аҳолини иш билан таъминлашнинг замонавий самарали шакллари, аҳоли бандлигини таъминлашда хусусий ташкилотларнинг ролини ошириш, жамоат ишларини ташкил қилиш ва ташқи миграция масалаларини фаоллаштиришга оид дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган. Натижада, бу аҳолининг ижтимоий муаммоларини ижобий ҳал этиш имконини берган;

мамлакатимизда тадбиркорлар ва ишбилармонлар ўрта қатламини шакллантиришда фаол ижтимоий сиёсат йўналишлари ва омиллари: ҳуқуқий-иқтисодий (мулкнинг хилма-хиллиги, хусусий мулк дахлсизлиги), иқтисодий (бизнес инкубаторлар, коворкинг марказлар ташкил этиш), молиявий (имтиёзли солиқлар), социал (ҳудудларда кўплаб янги иш ўринларини яратиш) омиллари қиёсланиб, уларнинг кичик бизнес ва социал ташаббусларни жонлантиришдаги ролига оид таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3856-сонли Қарорининг 4-бандида келтирилган «ишчи кучи кўп бўлган ҳудудларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида, айниқса, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари учун янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи корхоналарни ташкил этиш, бунда ҳудудий жамғармаларнинг ташкил этилган корхоналардаги улушини хусусий шерикларга кейинчалик реализация қилиш шартини назарда тутиш» қисмини тўлдиришда методологик манба сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 12 июлдаги 01/00-04/08-5193-сонли маълумотномаси). Натижада, ундан «Аҳоли бандлигини таъминлаш тўғрисида»ги Қонунни янги таҳрирда ишлаб чиқишда манба сифатида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси натижалари бўйича жами 16 дан ортиқ илмий ишлар, хусусан ОАК рўйхатида келтирилган журналларда 7 та илмий мақола, шу жумладан, чет эл журналларида 1 та илмий мақола, илмий-амалий конференциялар тўпламларида 8 та маъруза ва тезислар нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 7 та параграфдан иборат бўлган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 125 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Замонавий жамиятлардаги стратификацион жараёнларга оид назариялар ва методологик асослари**» деб номланган I бобида «стратификация» тушунчаси, унинг тарихий ва замонавий концепциялари таҳлили очиб берилган, жамиятнинг ижтимоий табақаланиши жараёнлари, шу билан бирга, стратификациялашув, стратификация тизимларининг статикаси ва динамикаси, уларнинг жамият ҳаётида акс этиши жараёнлари тадқиқ қилинган. Шунингдек, социал стратификация билан боғлиқ муҳим тушунчалар – «ижтимоий тенгсизлик»; «ижтимоий мобиллик», «ижтимоий мақом» (статус) каби тушунчаларнинг таҳлили келтирилган.

Маълумки, замонавий жамиятларда стратификацион жараёнлар янги ижтимоий қатламларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг силжувчанлиги (мобиллиги) билан ифодаланади. Умумий маънода эса стратификацион жараёнларни тадқиқ этиш жамиятдаги қатламларнинг қай даражада шаклланганлиги, бу қатламлардаги ички ва ташқи мобиллик, яъни бир қатламдан бошқа қатламга ўсиб ўтиши, ёки аксинча, пастроқ қатламга тушиб қолиши сингари ижтимоий жараёнларнинг ҳолатини диагностика қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга, стратификацион жараёнларнинг ижтимоий мобиллик, умуман, ижтимоий ҳаракатлар билан боғлиқ жиҳатларини тадқиқ этиш жамиятдаги ҳаракатчан қатламларнинг ҳолатларини билиб олиш имконини беради. Шунингдек, ўз навбатида, стратификацион жараёнлар динамикасини ўрганиш орқали жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг тизимли мазмуни ва кўламига нисбатан аниқ ташхис қўйиш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур бобда социал стратификация ҳодисаси, шунингдек, ижтимоий стратификация тизимлари, уларнинг белгилари ва динамикаси, стратификацион жараёнларнинг жамият ҳаётида акс этиши таҳлил этилган.

Стратификация сўзи лотинча «stratum» сўзидан олинган бўлиб, «страта» («қатлам») маъносини англатади. Ижтимоий тузилмасига (структурасига) кўра анъанавий бўлган жамиятларда ижтимоий гуруҳлар горизонтал жойлашади; табақалашган (страталашган) жамиятларда эса, бундан фарқли ўлароқ, муносабатларнинг вертикал йўналиш бўйича амалга ошиши кузатилади. Таққослаш ўрнида шуни келтириб ўтиш жоизки, табиий шароитда ер қобиғининг геологик страталари бир-бирига нисбатан устма-уст жойлашган бўлиб, таг қисмидаги қатлам устки қатламнинг таъсири (босими) остида бўлади, қатламларнинг ўзаро чегаралари эса деярли ўзгармас бўлиб, биридан иккинчисига, айниқса, пастки қатламлардан юқорисига ўтиши

кузатилмайди. Жамиятда эса, бундан фарқли равишда, турли ижтимоий қатламлар, гуруҳлар ички ва ўзаро тарзда ҳаракатчан бўлиб, уларнинг жамият ижтимоий иерархиясидаги (поғоналаридаги) жойлашуви ва ўрни, яъни ижтимоий статуси тез-тез ўзгариб туради. Бинобарин, жамият ҳаётидаги мавжуд ижтимоий стратификация жараёнларини табиий ҳодисаларга, хусусан, ернинг тузилишидаги геологик қатламларга нисбатан қиёслаш фақат шартли равишда амалга оширилиши мумкин, холос.

Умумий маънода, социал стратификация жамиятнинг турли табақа, қатлам, поғоналарга бўлиниб кетиши жараёнларини англатади. Ушбу тушунчага асосланган назариялар ижтимоий табақаланиш жараёнларининг моҳиятини очиқ беришга хизмат қилади. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, социал стратификация жараёнларини таҳлил қилган ҳар бир социолог муқаррар равишда ижтимоий табақаланишдан сўнг ижтимоий тенгсизлик муаммосини ҳам ҳал қилишга уринади. Хусусан, Дюркгейм анъаналарига хос бўлган функционализм таълимоти ижтимоий тенгсизликни меҳнат тақсимотидан келтириб чиқарди; унга кўра, меҳнат тақсимотининг механик ва органик шакллари мавжуд бўлиб, биринчисига: одамлар орасидаги жисмоний, жинсий ва ёшга оид фарқлар, иккинчисига: маълумот олиш, касб эгаллаш жараёнида вужудга келадиган тафовутлар ҳосилдир.

Ҳар қандай жамиятни бир қанча мезонлар асосида турли ижтимоий табақаларга бўлиш мумкин. Шунга мос тарзда ҳар бир даврда муайян ижтимоий тенгсизлик турлари мавжуд бўлади ва қайта тикланиб туради. Шу маънода ижтимоий табақаланишнинг характери ҳамда унинг қарор топиш усули жамиятнинг стратификацион тизими деб юритилади. Диссертацияда мавзуга оид адабиётлар таҳлили натижасида таъкидланадигани, инсоният тарихига нисбатан стратификация тизимларининг қуйидаги асосий турлари келтирилади: а) каста тизими; б) қулдорлик; в) синфий тизим. Буларнинг айримлари тарихда қолиб кетган, баъзилари ҳозирги замонда ҳам кузатилади.

Социал стратификация жараёнлари ҳодисасига қайтадиган бўлсак, шуниси аниқки, у ҳар қандай жамиятга муайян даражада хос бўлиб, социал маконнинг кўп ўлчамли ва иерархик тарзда ташкил топишини ифода этади. Ижтимоий муносабатларнинг серқирра ва мураккаб тизимида ҳар бир ижтимоий гуруҳ, қатлам ва табақа маълум бир ўринни эгаллайди, бошқа социал субъектлар билан турли муносабатларга киришади. Бир ижтимоий гуруҳ бошқасидан ўз мол-мулки, даромади, шунингдек, сиёсий ҳокимиятга яқинлиги, умумий маънода ижтимоий нуфузига кўра устун ёки қуйи даражада туради. Шу маънода социал қатлам (страта) шартли гуруҳ бўлиб, унинг социал статуси (мақоми), бошқа гуруҳга қарам бўлиши ёки унга ўз ҳукмини ўткази олиши маълум бир ижтимоий давр ва макон чегарасида амал қилади.

Ҳозирги давр стратификация жараёнлари ижтимоий тенгсизлик, бир гуруҳнинг бошқасига нисбатан юқори ёки қуйи жойлашиши, айти пайтда, бир гуруҳдан бошқасига ўтиши, яъни социал мобиллик жараёнлари асносида намоён бўлмоқда. Демократик, ҳуқуқий давлатларда барча фуқаролар, ижтимоий статуси ва келиб чиқишидан қатъи назар, юридик жиҳатдан тенг

ҳуқуқлидирлар. Бироқ реал ҳаётда, том маънода барча социал гуруҳлар тенг бўла олмайдилар. Кўпчилик социологлар фикрича, айнан тенгсизлик ҳаракатга келиш, ривожланиш учун рағбат (стимул) бўлиб хизмат қилади. Айтиш мумкинки, инсоният жамиятининг барча босқичлари учун одамларнинг ва ижтимоий қатламларнинг ўзаро тенгсизлиги хосдир.

Турли даврларда мутафаккирлар ижтимоий тенгсизликнинг сабабларини ахтариб, уни бартараф этиш режаларини тузишгани тарихдан маълум. Тенгсизлик бир табақанинг бошқасидан устунлигига сабаб бўлиши, бир синфнинг бошқаси устидан ҳукмронлик ўрнатиши, ҳатто турли табақалар ўртасидаги зиддиятларни келтириб чиқариши билан бирга, рақобатни ҳам туғдиради, бу эса ижтимоий мавқеи жиҳатидан юқорироқ синфга ўтиш учун ҳаракат қилишга рағбат уйғотади. Масаланинг фалсафий томонини эмас, социологик жиҳатини тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, жамият индивидларнинг фаолиятини, интилишини рағбатлантириш, ижтимоий (иктисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий) юксалишга эришишлари учун ўз аъзоларининг фаоллигини оширишга табиий эҳтиёж сезади. Бунинг учун айрим касб-кор ва фаолият йўналишларига турли имтиёз ва мукофотлар берилади. Социал стратификация ҳодисаси ва жараёнлари шу каби ижтимоий эҳтиёжлардан келиб чиқади.

Диссертациянинг «**Жамиятда ижтимоий қатламлар динамикаси: аниқлаш ва оптималлаштириш муаммолари**» деб номланган II бобида жамият ҳаётида юз бераётган социал стратификацион жараёнлар ва тенденциялар таҳлил қилинган, бу жараёнларга оқилона таъсир ўтказиш тамойиллари ҳақида фикр юритилган. Бунда турли жамиятлар, цивилизациялар тарихини ўрганган олимлар ва тадқиқотчиларнинг илмий қарашлари қиёсий ўрганилиб, стратификацион тизимларнинг турлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва белгилари билан бирга, умумий жиҳатлари келтирилган. Диссертацияда стратификацион тизимларнинг 9 та тури таҳлил қилинган, булар: социал стратификациянинг табиий-ирсий (физик-генетик); кулдорлик; каста тизими; қатлам тизими; этакратик; ижтимоий-касбий (социал-профессионал); синфий; маданий-тимсолий; маданий-меъёрий турлари.

Стратификацион тизимларнинг табиий-ирсий тури асосида табиий, социал-демографик белгилар ётади ва бу ўринда одамлар жинси, ёши, жисмоний хусусиятлари – кучи, ташқи кўриниши, чаққонлиги билан фаркланадилар. Жисмоний ноқислиги бўлган, нимжон ва касалмандлар бақувват ва соғломларга қараганда қуйироқ ижтимоий поғонани эгаллайди. Табиий белгилар асосида поғоналашиш урф-одат ва меъёрлар билан мустаҳкамланади. Бу стратификацион тизим ибтидоий тузумга хос бўлса-да, ҳозирги вақтгача турли шаклларда сарқит (рудимент) тарзида яшаб келмоқда. Хусусан, деҳқончилик, чорвачилик билан кун кечирадиган жамоаларда билагии бақувват, чарчаб толмайдиган эркак ўғлонларга эҳтиёж юқори бўлган, улар оила фаровонлигини таъминлаш гарови ҳисобланган. Қадимги Спартада жисмонан етук жангчилар кадрланган, ўрта асрлар рицарларида ҳам ахлоқий фазилатлари билан бирга, жисмоний куч юксак кадрланган. Шунингдек,

бошқа даврлардаги халқларда ҳам ҳарбий-жанговар ва жисмоний тайёргарликка эга шахслар юқори мавқега эга бўлган.

Стратификация тизими кулдорликка асосланган жамиятларда куч ишлатиш тўғридан тўғри жисмоний устунликка эмас, балки ҳарбий-ҳуқуқий мажбурлашга асосланган. Муайян ижтимоий гуруҳлар барча ҳуқуқлардан ва мулкдан маҳрум қилинган, ўзи ҳам бошқа табақанинг хусусий мулкига айлантирилган. Бундай ҳолат ўзгармасдан авлоддан авлодга ўтиб келган. Шу билан бирга, қулчилик турли тарихий шаклларга эга бўлган. Антик дунёда Юнонистонда кулдорлик классик шаклда мавжуд бўлиб, айрим пайтларда қулларнинг сони эркин фуқаролар сонидан ортиб кетган. Ўрта асрларда Хитойда боласини боқа олмаганлар уни қулликка сотиб юборишган. Қадимги Русда «холоп» деб аталган қаролларнинг ҳақ-ҳуқуқсизлиги ҳам қулларники каби бўлган. Америка Қўшма Штатларида ҳам кулдорлик 1861-1865 йилларда юз берган граждандар уруши натижасида бекор қилинган. Америкалик сиёсатшунос Патрик Бьюкененнинг «Ғарбнинг ҳалокати» асарида қайд этилишича, АҚШнинг дастлабки 7 та президентида фақат ота Адамс ва ўғил Адамс қул тутишмаган, қолганларининг барчаларининг хонадонларида қора танли хизматкорлар бўлган⁹. Ҳатто, Иккинчи жаҳон уруши вақтида асир олинганларни ва юридан кўчирилганларни қул қилиб ишлатиш ҳам шу тизим доирасида шарҳланиши мумкин.

Стратификация тизимининг каста шакли («каста» португал тилида «уруғ», «тоза насл-насаб» маъносини беради), асосан, Ҳиндистон, қисман, Непал ва Шри Ланкага тааллуқли ҳодиса ҳисобланади. Тадқиқотда таъкидлаганидек, ҳиндлар ўз жамиятларидаги табақаланишни ифодалаш учун «варна» ҳамда «жати» сўзларини ишлатадилар, ҳиндуизм динида муқаддаслаштирган ижтимоий табақаланишда тўртта варна фарқланади: браҳман, кшатрий, вайши ҳамда шудра.¹⁰ Шунингдек, европалик саёҳатчилар Африка қитъасининг айрим қабилалари урф-одатларини ўрганиб, у ерда ҳам каста табақаланиши каби ҳолатлар мавжудлигини, француз тадқиқотчиси Леви Стросс эса, Бразилия ва Парагвайда истиқомат қилган мбайа-гуайкуру қабиласида ҳам касталар борлигини аниқлашган¹¹. Аслида, каста тизими ижтимоий ҳаётни структура жиҳатдан ташкиллаштириш функциясини бажарган.

Социал стратификациянинг тури сифатида қатлам (ижтимоий тоифа) келтирилади. Бу тизимда табақалар юридик жиҳатдан бир-биридан ажратилади, уларга муайян мажбуриятлар юкланади ва мазкур мажбуриятларга нисбатан қарамлик мустаҳкамланади. Ижтимоий тоифалар ўрта асрлар Европасида ривож топган табақаланиш тизими сифатида тарихда қолди. Феодал табақалар ҳақ-ҳуқуқи ва мажбуриятлари турлича бўлган қатор страталарни ўз ичига олган эди. Аристократлар ва дворянлар – бир қатлам, руҳонийлар – бошқа қатламни ташкил этарди. «Учинчи қатлам» ўз ичига

⁹ Бьюкенен П. Смерть Запада. – М.: АСТ, 2005, –С.111.

¹⁰ Барт А. Религии Индии: Ведийские религии. Брахманизм. Буддизм. Джайнизм. Индуизм. -М.: Академия фундаментальных исследований. 2012. – С. 15-16.

¹¹ Структурная антропология / Пер. с фр. Вяч. Вс. Иванова. –М.: Эксмо-Пресс, 2001. – С. 512.

эркин деҳқонлар, савдогарлар, хунармандлар, рассомлар ва бошқаларни оларди. Касталардан фаркли ўлароқ, бу қатламлар орасида никоҳ тақиқланмаган, индивидуал мобилликка (бир шахснинг ўз қатламини ўзгартиришига) тоқат билан қараларди. Европада насл-насабига қараб қатламларга бирлашилган бўлса, Хитой, Япония каби анъанавий жамиятларда бундай табақаланиш этник характерга эга эди.

Этакратик (фр. «давлат ҳокимияти») стратификация тизимида табақаларга бўлиниш ҳокимият-давлат иерархиясидаги ўрнига, давлат структурасига яқинлигига қараб амалга оширилади. Муайян ижтимоий гуруҳнинг моддий фаровонлик даражаси, турмуш тарзи, обрў-эътибори турли демографик, диний ёки маданий тафовутлар билан эмас, асосан давлат структурасига яқинлиги билан баҳоланади.¹² Давлат бюрократияси бундай тизим шароитида табақаланишнинг миқёси ва характерини белгилайди. Этакратик тизимда ким «юқори»га яқин бўлса, кўшимча неъматларга эга бўлади. Давлат бошқаруви қанчалик авторитар бўлса, этакратик тизим ҳам шунча кучая боради. Қадимда этакратик тизимлар Хитой, Ҳиндистон, Камбоджада, ҳатто Миср ва Перуда ҳам кузатилган. XX асрда социалистик тузумлар доирасида бўлган ҳамжамиятларнинг аксарияти айнан этакратик тизимга эга эди¹³.

Ижтимоий-касбий стратификация тизимида ижтимоий гуруҳлар касбукори, меҳнат мазмуни ва шароитига қараб табақалашади. Бунда квалификация талаблар, яъни юқори малака, иш тажрибаси, кўникма ва маълумот, малака ҳамда маълумот даражасини тасдиқловчи диплом, сертификатлар асосий роль ўйнайди.

Социал табақаланишнинг алоҳида тури – синфий тизим бўлиб, уни яқин ўтмишда кўплаб жамиятшунос тадқиқотчилар стратификацион тизимга қарама-қарши кўяр эдилар. Аслида, жамиятнинг синфларга бўлиниши социал стратификациянинг бир тури, кўриниши, хусусий шакли, холос. Соф ҳолда синфий табақаланиш деярли учрамайди. Айрим мутахассислар Америка Кўшма Штатларини истисно тарзида кўрсатиб ўтадилар¹⁴. Фарбий Европа давлатларида капитализмнинг ривожини билан синфий бўлиниш устувор бўлган бўлса-да, аммо тарихан аввалги қатламлар, хусусан, оқсуяк ва зодагонликка мансублик ҳам муайян даражада амал қилади.

Маданий-рамзий стратификация тизими ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муқаддас ёзувларни ёки илмий кашфиётларни шарҳлаш билан боғлиқ ахборотга эга бўлиш орқали жамиятнинг табақалашувини англатади. Ғайритабиий кучлар билан алоқа ўрнатиш, олий ҳақиқатни айта олиш, давлат манфаатларини ифода этиш даъвоси билан чиққанлар ҳамма даврларда ва халқларда бўлган. Ушбу «маданий-рамзий тизим» тушунчасини муомалага киритган россиялик олимлар лўнда қилиб, саноат ривожига эга бўлган (олд-

¹² Радаев В.В. Современный стратификационный анализ / Экономическая социология. -М.: 2006. Т.7. 3. – С. 5.

¹³ Радаев В., Шкаратан О. Власть и собственность // СОЦИС. 1997. – № 1. – С. 76.

¹⁴ Радаев В.В., Шкаратан О.И. Социальная стратификация: Учебное пособие для высших учебных заведений. –М.: Наука, 1995. – 240 с.

индустриал) жамиятлар учун теократик манипуляция (одамлар онгига ишлов бериш), индустриал жамиятлар учун – партокрatik манипуляция, пост-индустриал жамиятлар учун – технократик манипуляция хос деб фикр билдирадилар¹⁵.

Маданий-меъерий стратификация тизими деб аталадиган тизимда бирон бир гуруҳ ёки шахснинг ўз хатти-ҳаракати, хулқ-атвори орқали орттирган ҳурмат-эътибори, нуфузи орқали табақаланиш амалга ошади. Ижтимоий бўлиниш ўша гуруҳ ёхуд шахснинг жисмоний ва ақлий меҳнатга муносабати, ўзини тутиши, муомаласи, тил маданияти каби ўнлаб белгилар орқали бўлади. Ғарбда жентельменнинг ўзига хос назокати шаклланган, руҳонийларда камтарлик ва камсукумлиқ, дворян аристократларда ўйин-кулгу ва маишатга мойиллик, ғоявий раҳбарларда кучли нотиклик каби хислатлар бўладики, булар юқори социал мақомни таъминлайди. Бундай хислатлар ўша гуруҳ (ва шу гуруҳга кираётганлар) учун меъерий мўлжалга айланиб, маънавий тартибга солиш функциясини бажара бошлайди.

1-жадвал

Стратификация тизимларининг асосий белгилари

Тизим тури	Табақалаш асослари	Тафовутларни мустаҳкамлаш усуллари
Табийий-ирсий	Жинс, ёш, жисмоний хусусиятлар	Жисмоний мажбурлов, урф-одат
Қулдорлик	Фуқоралиқ ҳуқуқлари ва мулкый муносабатлар	Ҳарбий мажбурлаш, қулчилик ҳуқуқи
Каста тизими	Диний анъана, меҳнат тақсимотининг диний-этник кўриниши	Диний урф-одат, миллий биқиқлик
Қатлам тизими	Давлат олдидаги бурчлар	Ҳуқуқий мустаҳкамлаш
Этакратик	Ҳокимият поғонасидаги ўрин	Ҳарбий-сиёсий ҳукмронлик
Социал-профессионал	Машғулот тури ва малака	Маълумот тўғрисида сертификат
Синфий	Даромад ва мулк миқдори	Бозор муносабатлари
Маданий-рамзий	Диний билимлар	Диний, илмий, мафкуравий устунлик
Маданий-меъерий	Одоб-ахлоқ меъёрлари, турмуш тарзи	Маънавият, тақлид

Тадқиқотчи ўз диссертациясида юқорида келтирилган стратификация тизимларининг асосий белгилари, хусусан, ижтимоий табақаланиш асослари, хусусан, унга асос бўлувчи параметрлар ҳамда ижтимоий тафовутларни мустаҳкамловчи меъёрларни қиёслаш орқали ушбу тизимларнинг классификациясини келтирган (1-жадвал).

Шу билан бирга, муаллиф стратификация тизимлари шакллари айтиб ўтилган турлари билангина чегаралаш мумкин эмаслигини таъкидлайди, зеро ижтимоий табақаларни бошқа кўплаб омиллар орқали ҳам тафовутлаш

¹⁵ Радаев В.В., Шкаратан О.И. Социальная стратификация: Учебное пособие для высших учебных заведений. – М.: Наука, 1995.

мумкин. Шундан келиб чиқиб, диссертант мумтоз социология вакиллари О.Конт, Г.Спенсер, шунингдек, «модерн» йўналиши вакиллари -М.Вебер, П.Сорокин, Т.Парсонс ҳамда постмодерн йўналиши тарафдорлари -П.Бурдьё ва бошқа олимлар қарашларини ҳам келтириб ўтган¹⁶. Хусусан, П.Сорокин социал макон кўп ўлчамли бўлиб, унда табақаланиш турли мезонлар, чунончи, фуқаролиги, миллати, машғулот тури, иқтисодий статуси, диний мансублиги каби мезонлар асосида амалга ошириши мумкинлигига эътибор қаратган¹⁷. Т.Парсонс социал маконда ижтимоий қатламлар (страталар) ўз навбатида юқори, қуйи ва ўрта гуруҳларга бўлинишини таъкидлайди.

Албатта, жамиятнинг социал барқарорлигини таъминлаб турадиган ўрта қатламнинг росмана шаклланиши узок вақт талаб этади. Стратификация жараёни натижасида аҳоли ўртасида бой ва камбағал, олий маълумотли ва маълумотсиз, ҳокимиятга эга бўлган ва ҳеч бир ҳокимиятсиз табақалар орасини тўлдирадиган ўрта қатлам зарур. Охириги йилларда ўзбек жамиятида силжувчан трансформация жараёни содир бўлмоқда, ижтимоий ҳаётда янги амалиёт юз кўрсатмоқда. Хусусий мулкка бўлган муносабат ўзгарди, сиёсий ҳокимият ва бошқарув аппарати, суд-ҳуқуқ тизимларида позитив ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Стратификация жараёнининг оддий мазмуни шундан иборат бўлмоқдаки, жамиятда ҳамма ҳар хил касб эгаси, ёши, жинси, маълумот даражаси, иқтисодий аҳволи, обрў-эътибори, ҳокимиятга эгаллиги ва ҳ.к. билан бир-биридан фарқ қилиши жараёни янада кучайди. Аввалги пайтларда, мисол тариқасида ишчилар синфи дейилганда, завод, фабрика ишчиси тушунилар эди. Ҳозирда эса, булардан ташқари, фирма ишчиси, фермер хўжалик ишчиси, ёлланма ишчи, компания ишчиси, корпорация ишчиси тоифалари пайдо бўлди. Барчаси ишчилар синфига мансуб бўлса-да, лекин турмуш тарзида, маошида, мавқеида, маиший шароитида, юриш-туришида, ҳатто кийинишида бир-биридан фарқ қилмоқда. Масалан, компания ишчиси фермер хўжалиги ишчисидан ҳар жиҳатдан ажралиб туради, ёинки Россияда ишлаётган ёлланма ишчи Жанубий Кореяда пул топаётган ёлланма ишчидан кўп жиҳатлари билан фарқ қилади.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, стратификация жараёни натижасида бир хил синфлар ичида ҳам қатламлашиш жараёни кечмоқда. Яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, жамиятнинг барқарор ривожланиши учун ўрта қатламни шакллантириш масаласи муҳим аҳамиятга эга бўлаяпти. Ҳозирги кунда давлатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асл маъноси ҳам шунда. Лекин қўшма корхоналар очиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, фермер хўжаликларини ташкил қилиш, нодавлат ташкилотларини тузиш каби масалаларнинг долзарблигини жамият аъзолари тўлиқ тушуниб ета олиши осон иш эмас. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мафкуравий жиҳатдан ҳали заиф бўлган, собиқ коммунистик мафкура асоратларидан қутула олмаган тоифалар жамиятда содир бўлаётган

¹⁶ Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество. – М., 1994. – С. 288.

¹⁷ Сорокин П.А. Социологические теории современности. – М., 1992. – С.65-69.

стратификация жараёнларини тушуниб етмадилар. Мисол учун айтиш мумкинки, кимдир фермер хўжалиги ташкил этиб, ўз оиласининг турмуш шароитини яхшилаб, қолаверса, кўни-кўшнилариини ҳам иш билан таъминлаб, жамият учун фойда келтирса, бошқалар буни тўғри тушунмасдан, бундай шахс тезда бойиб кетади деб ҳадиксирарди. Аслида эса, бу бойиш эмас, балки ўрта қатламга мансуб бўлишнинг бир кўриниши, холос.

Бугунги кунда социал мобиллик, яъни алоҳида шахс ёки гуруҳларнинг жамият ижтимоий таркибидаги ўрнини, мавқеини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатлар ҳам тезлашиб ва мураккаблашиб бормоқда. Социал мобиллик ўз навбатида ижтимоий ривожланиш қонунларининг амал қилиши билан боғланиб, айрим шахс ва гуруҳлар ижтимоий мавқеининг қуйи ва юқори томонга қараб ўзгариб боришини тезлаштирмоқда. Ўзбекистондаги демократлаштириш ислохотлари социал мобиллик учун имкониятни оширмоқда. Демократик тузумга асосланган мамлакатимизда жамиятнинг табақалаштирилган тўсиқлари олиб ташланиб, ижтимоий эркинлик учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Натижада, фуқароларнинг социал мобиллик даражаси ҳам юқорилай бошлади.

Бундай шароитда маълумотнинг, ўз касбини пухта эгаллаш ва тадбиркорликнинг аҳамияти ошиб боради. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида, эски маъмурий-буйруқбозликка асосланган тузумнинг емирилиб, шаклланган янги ижтимоий муносабатларнинг мустаҳкамланиши жамият аъзоларининг ижтимоий фаоллигини оширди дейиш мумкин. Шунингдек, у шахар ва қишлоқ, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги алоқадорликни кучайтиришга ҳам сезиларли туртки берди¹⁸.

Хуллас, жамият миқёсида кишилар ўзларининг жамият ижтимоий таркибидаги мавқеини янада яхшилаб бориш имкониятларига эга бўлдилар. Айниқса халқ хўжалигида банд бўлган ижтимоий гуруҳлар таркиби оптималлашди. Аҳолининг уй-жой билан таъминланганлик даражаси, маиший хизмат турлари ва уларнинг хизмат кўрсатиш даражаси, иш ҳақи даражаси ижтимоий бандлик таркибига кучли таъсир қилувчи омилларга айланиб улгурди.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон ижтимоий сиёсатида стратификацион жараёнларни тартиблаш: тажриба ва истиқбол**» деб номланган III бобида Ўзбекистондаги стратификацион жараёнлар таҳлили асосида табақаланиш мезонлари илмий тадқиқ этилган.

Бозор муносабатлари шароитида жамиятнинг турли қатламларида социал ўзгарувчанлик битта ижтимоий мақомдан бошқа - юқори ёки қуйи бўлган мақомга эга социал қатламга ўтишида кўзга ташланмоқда. Масалан, мардикорнинг фарзанди профессор бўлганида социал ҳаракатчанликнинг юксакроқ даражасига эришади. Ўзбекистонда меритократияга асосланган, яъни шахснинг алоҳида хизмат кўрсатиш ёки иқтидорга таянувчи меритократик мобиллик ҳам кўзга ташланмоқда. Хусусан, Президент Шавкат

¹⁸ Шайманова А.Э. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилишида ўрта мулкдорлар синфининг ўрни ва роли, номзодлик диссертацияси. – Б. 23-24.

Мирзиёев ташаббуси билан 23-30 ёш орасида бўлган ёшларни юқори лавозимларга (вазир ўринбосари, ОТМ ректори ва б.) тайинланиши ҳам юқори даражадаги иқтидор ва қобилиятли инсонлар гуруҳининг Ўзбекистон жамияти элитасининг шаклланишига янги, замонавий элементларни олиб кираётганлигидан далолатдир. Бунда турли ижтимоий гуруҳларга мансубликни белгилайдиган индивидуал қобилият кўрсаткичлари, яъни меритократия* асосий омил бўлмоқда. Зеро, юқори интеллект, зехн, иқтидор жамият ривожини учун алоҳида имкониятдир.

Маълумки, турли социал гуруҳ, страталарнинг ташкил топиши ва реал яшашида моддий омиллар муҳим роль ўйнайди, чунки даромад ва моддий бойликларга эгаллик қилиш айнан шу иқтисодий муносабатлар негизида қарор топади. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2020 йилга «Илм-фан ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб ном берилиб, Давлат дастури қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Давлат дастури доирасида саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш, транспорт-коммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларида салмоқли ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон ҳукумати томонидан сўнгги йилларда чиқарилган қатор қарорларда шахсий томорқа хўжаликларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган. Ўтган йиллар мобайнида ерга эгаллик қилиш қонун билан мустаҳкамланди, аҳоли фойдаланиши учун қўшимча ерлар ажратилди, боғдорчилик уюшмалари кўпайтирилди. Бюджет ҳисобидан бепул сув қуйиш иншоотлари қуриб бериш, шахсий қурилиш учун давлат томонидан кредитлар ажратиш амалиётга жорий этилди. Асосий вазифа сифатида имтиёзли солиқ тизимини жорий этиш орқали қишлоқ хўжалиги ижтимоий инфраструктурасини яхшилаш кўзда тутилди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида юқори социал статусга эга бўлиб шаклланган янги страталардан бири, бу – фермерлар социал қатламидир. Фермер хўжаликлари мулкка эгаллик қилиш, уни ўзлаштириш ва ундан манфаатдор бўлишнинг самарали шакли сифатида жаҳон амалиётида ўзини оқлаган. Фермерлик хўжаликларини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Уларнинг сони тобора ортиб, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши кўпайиб борди. Ердан самарали фойдаланиб, мўл ҳосил олаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларига ўз фаолиятини кенгайтириши учун қўшимча ер майдонлари ажратилмоқда.

МДҲ мамлакатлари социолог олимлари жамият страталашувининг қонуниятлари ва мезонларини таҳлил қилиш асосида ҳозирги даврдаги мавжуд 4 та ижтимоий қатламни ажратиш кўрсатадилар: а) юқори б) ўрта; с) базавий; д) қуйи. Бешинчи қатламга «социал чўкинди», яъни ижтимоий мавқеини йўқотган паст тоифа киритилади.

Юқори страта, уларнинг фикрига кўра, жуда юпқа қатлам бўлиб, жамият элитасининг юқори гуруҳини ўз ичига олади, юқори даражадаги мавқега, иқтисодий салоҳият ва ҳокимиятга эга. Бу гуруҳни ташкил

